

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR

JOCAA

МАДАНИЈАТ ВА САНЃАТ

JOURNAL OF CULTURE AND ART

Volume I, ISSUE 5

JULY | 2023

КУЛТУРА И ИСКУССТВО



ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-5

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-5

ТОШКЕНТ – 2023

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-5>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол

Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, профессор в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим Козимович

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор

Ходжаметова Гулчира

Илишевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов Фахриддин

Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, доцент, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз Турабович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Умаров Мамур

Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида

Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси мудир, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон

Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло

Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи (PhD)

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи/Page Maker/Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

АЗИЗОВА Омина Бахромовна

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Санъатишунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8143783>*

ВАСВАСА ҚЎРҚИНЧИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Макс Фриш қаламига мансуб “Бидерман ва ўт кўювчилар” пьесаси асосида “Дийдор” театр-студиясида янги спектакль саҳналаштирилди. Атоқли режиссёр, Тожикистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби, халқаро мукофотлар совриндори Барзу Абдураззоков томонидан саҳналаштирилган “Ўт кўювчилар” спектаклининг таҳлили берилган. Янги саҳна асарининг ютуқлари ва мулоҳазали жиҳатлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: театр-студия, актёр, режиссёр, саҳна, спектакль, сатирик комедия, жанр, талқин, интерпретация, характер.

АЗИЗОВА Амина Бахромовна

*Академия наук Республики Узбекистан
Доктор философии (PhD) в области искусствоведения*

СТРАХ ИСКУШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье поставлен новый спектакль в театре-студии «Дийдор» по пьесе Макса Фриша «Бидерман и поджигатели». Дан анализ спектакля «Поджигатели» в постановке Барзу Абдураззокова, известного режиссера, заслуженного деятеля культуры Республики Таджикистан, лауреата международных премий. Рассмотрены достижения и критические аспекты новой сценической постановки.

Ключевые слова: театр-студия, актер, режиссер, сцена, спектакль, сатирическая комедия, жанр, интерпретация, интерпретация, характер.

AZIZOVA Omina Bakhromovna

*Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Doctor of philosophy in arts (PhD)*

FEAR OF TEMPTATION

ANNOTATION

The article staged a new performance in the theater-studio "Diydor" based on the play by Max Frisch "Biederman and the arsonists". An analysis of the play "Incendiaries" staged by Barzu Abdurazzokov, a well-known director, Honored Worker of Culture of the Republic of Tajikistan, laureate of international awards, is given. The achievements and critical aspects of the new stage production are considered.

Key words: theatre-studio, actor, director, stage, performance, satirical comedy, genre, interpretation, interpretation, character.

Швейцариялик драматург ва ёзувчи Макс Фриш қаламига мансуб “Бидерман ва ўт қўювчилар” пьесаси асосида “Дийдор” театр-студиясида янги спектакль сахналаштирилди. Атоқли режиссёр, Тожикистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби, халқаро мукофотлар совриндори Барзу Абдураззоқов бу сафар ҳам Дийдорчилар билан ақл ва шуурни шошириб қўювчи, мулоҳазага чорловчи, бир лаҳза дўппини бошдан олиб сийратингизга назар солишга ундовчи асарни сахнага олиб чиқди.

Театр бу таскин бериш маскани эмас. У изтироблардан иборат. Инсон изтиробларини, ҳеч кимга кўрсата олмаган дардини юзага чиқаролмас, томошабин “юзига кўзгу тутаолмас экан”, у ҳолда театрнинг санъат асари сифатида нима кераги бор [1, Б.59]. Даставвал Макс Фриш ҳақида маълумот алмашсак, у швейцариялик немисзабон ёзувчи ва драматург эди. Фриш ўзининг дебют асарини 1934 йилда “Юрг Рейнхарт” номи билан нашр этди. Кейинчалик эса муаллифнинг ўзи мазкур романини омадсиз, дея баҳолайди. Макс Фриш драмаларининг марказида экзистенциал ва ижтимоий муаммолар туради. Масалан, 1945 йилда ёзилган “Улар яна куйлайди”, 1948 йилдан ёзилган “Уруш тугагач”, 1953 йилда ёзилган “Бидерман ва ўт қўювчилар” асарлари фикримни исботлайди. *Дийдорчилар муаллифнинг айнан “Бидерман ва ўт қўювчилар” асарига мурожаат қилди.*



Пьесада чуқур фалсафий гаплар, монологлар ва сўзмонликка қурилган диалоглар учрамайди. Асар шаҳарга келган қутилмаган “меҳмон”ларнинг қилаётган хатти-ҳаракатлари, вайронгарчиликлар ҳақида ахборот беришдан бошланади. Воқеа васваса, қўркув ва йўқ бўлаётган шаҳар аҳолисининг ташвишлари билан бошланади. Албатта, уй-жойи, мол-мулкни кимдур осонгина ёқиб ташлаши ва уларга нисбатан чора кўрилмаслиги кимга ҳам ёқади. Айнан мана шу тугун, яъни бу ўт қўювчилар аслида ким, деган савол билан воқеалар ривожланиб боради. Пьесанинг сахнага кўчишида режиссёр *Барзу Абдураззоқов асарни ўзбекчалаштирди.*

Кимдир театрга шунчаки маданий дам олгани, биров яхши сахна асаридан бахраманд бўлгани, яна кимдир бўш вақтини мароқли ўтказгани келади. Нима бўлганида ҳам, кейинги йилларда буюк маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий айтганларидек, театрнинг том маънодаги ибратхона сифатида фаолият кўрсатиши учун мамлакатимизда зарур барча имконият ва шароитлар тобора кўпроқ яратилмоқда [2, Б.2].

Айни масалаларнинг инъикоси сифатида сахна юзини кўрган “Ўт кўювчилар” спектакли давомида сахнага 7 та актёр чиқади. Шундан 3 таси бирров кўринишини инобатга олсак, воқеалар 4 қаҳрамон иштирокида содир бўлади. Домла-Ф.Абдуллаев, унинг аёли-Х.Арабшоева ва икки ўт кўювчилар- Абду-Ж.Аширов ҳамда Адолат-Ю.Ражабова сахнадан туриб томошабинга кўзгу тутади. Улар инсониятга тушиб қолган ботқоғини, кетиб бораётган чиркин йўлини рўй-рост кўрсатиб берди.



Спектаклда баъзи ўринларда ахлоқсиз жумлалар ишлатилса-да мўъжаз сахнада кўпларга сабоқ бўлувчи ибратли томоша намоиш этилди. Б.Абдураззоқов янги сахна асарини интеллектуал сатирик комедия жанрида томошабинга тақдим этди. Спектакль воқеалари ривожини шунчаки кузатиб бўлмайди, асар томошабинни фикрлашга мажбур қилади. Зеро, бир-бирига мантикий боғланган воқеаларни тушуниш, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатига баҳо бериш учун томошабинда жиддий тайёргарлик бўлиши лозим. “Ўт кўювчилар” одатдагидек сатирик комедияларнинг навбатагиси эмас. У анча жиддий ва аччиқ ҳақиқатларни кўрсатаётган инелектуал спектаклдир.

Спектаклнинг ғояси султ сиёсат орқали инсонларни кутаётган хавф-хатар ҳақида огоҳлантиради. Фуқаролик позициясига эга бўлмаган жамият ёппасига васвасага берилиб кетиши, меҳр-оқибат, одамгарчилик, инсонийликнинг йўқолиб кетиши, энг дахшатлиси бурнингни тагида турган душманингни ҳам англамаслик, кўриб-кўрмасликка олишликнинг оқибатлари ҳақидаги ошкора томоша бу.

Спектаклнинг лейтмотивини домланинг тилидан янговчи “сиз ҳам мендек инсонсиз, мен тушиб қолган вазиятда сиз нима қилардингиз...”, деган сўрови бўлди. Сесканасиз... таажжубланасиз... инкор этасиз... Лекин ҳақиқатдан бош тортолмайсиз.

Спектаклнинг дастлабки сахнаси Ф.Абдуллаев билан бошланади. Унинг қахрамони домла кўлида газета кўтариб чиқади. Газетада босилган ахборотни ўқийди ва “ҳаммаси сафсата, бўлмаган гап”, дея энсани қотади. Аввалига оммавий ахборот воситаларида урчиган ваҳимали хабарларга ишонмаган домла бора-бора енгилади. Бу ўт кўювчиларга ҳеч ким чора кўрмаётганидан, уларга эътибор беришмаётганидан у ҳам васвасага тушади.

Кўлида газета тутган Ф.Абдуллаев атрофида содир бўлаётган воқеалардан бохабар эди. Лекин домла газеталар бонг ураётган “ўт кўювчилар”га “сафсата, бўлмаган гап” дея қаради. савол туғилади, нега? Сабаби зиёли инсон шаҳарларни бемалол ёкиб келаётган, театрлар, уйлар, корхоналарга ўт қўяётган душманлар ростдан ҳам мавжуд бўлганида давлат уларга нисбатан чора кўришини билади. Ҳокимият теппасидагиларга ишонган зиёли воқеалардан, хабарлардан тўғри хулоса чиқаришга шошилмайди. Охир-оқибат домла уйининг тўригача кириб, жойлашиб олган “ўт кўювчилар”ни душман эканига ишнолмайди, кўриб кўрмасликка олади, окни қорадан ажратишга ожизлик қилади.



Мазкур асар бежиз бугун сахнага чиқмади. Бугун бутун дунёга огоҳлик давр талабига айланиб қолган. Дунёда бўлаётган уруш-талашлардан барчамиз хабардоримиз. Бу ҳақида қайта эслатишнинг хожати йўқ. Демокчи бўлганим янги асар этни жимирлатгудек хиссиётларимизнинг энг тубигача таъсир қилдими, демак бу воқеалар ҳозир биз учун ҳам аҳамиятлидир. Эҳтимол, спектаклда кўрган воқеаларимиз бугун атрофимизда содир бўлаётгандур... Зеро, томоша “...биз **сизларга кўзгу тутамиз**” дея бошлангани бежиз эмас.

Ф.Абдуллаев ижросида домла Бидерман роли драматик ёндашувда ижро этилди. Актёр қахрамонининг руҳий ҳолатини катта ички қувват, темперамент билан ижро этди. Домла жамиятни ичидан емираётган, вайрон қилаётган, ўзича кимлардандир қасд олишга уринаётган, “самосуд” қилаётган ўт кўювчиларга нисбатан ҳокимиятнинг ваколатли вакилларининг эътиборсизлигидан ғазабланади.

Шахарда бемалол юрган ва кўплаб иншоотларга ўт қўяётган шахслар оммани васвасага солади. Бидерман- Ф.Абдуллаев шаҳар аҳолисининг васвасага берилганлигидан норози лекин ўзи ҳам шу кайфиятда.

Домла-Ф.Абдуллаев уйига кириб олган ўт қўювчиларга нисбатан бирор чора кўролмайдди. У ўт қўювчилар олдида ожиз, чорасиз ва имконсиз. Ф.Абдуллаев қаҳрамонини зиёли, шу билан бирга қўрқоқ, одамгарчиликдан чиқиб бораётган нафсининг кули, каттиққўл ва мансаб ҳамда бойлигидан айрилиб қолишдан ҳадикда юрган оила боши сифатида гавдалантирди. Домла-Ф.Абдуллаев бойлиги ва тинчлигини йўқотишдан кўрққанидан ўт қўювчилар билан дўстлашиш, уларга ялинишдан бошқа имкон тополмайди. Унинг кучи фақат аёли, қўл остидаги ходимлари ва қизига етарди, холос. Актёр ижросидаги рол ҳақида - спектакль мавзуси ўта долзарб, — дейди бош роль ижрочиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод Абдуллаев. — Халқимизда бир гап бор, “тушунган тушунади” деган. Спектакль огоҳлик ҳақида. Ҳаммани ҳам уйингизга киргизаверманг, беписанд бўлманг, бефарқ бўлманг демокчи асарда [3, Б.3].

Воқеалар ривожланиб боргани сари ўт қўювчиларнинг мақсади ҳам ойдинлашиб боради. Улар домла кати пул ва нафсининг қулига айланиб, одамгарчиликни унутиб қўяётган инсонларни жазолаётгани маълум бўлади. Бу ерда ким ҳақ, ким ноҳақ...? Ҳокимият эгаларининг ўт қўювчиларга нисбатан эътиборсизлигидан норози домлами ёки нафсининг қулига айланиб қолган оммани жазолаётган Абду ва Адолатми....

Ўт қўювчилар Абду ва Адолат... Ю.Ражабова ижросидаги Адолат бировнинг уйига кириб, сўнг оила аъзолари томонидан қилинган илтифоту мулозаматларга қарамай уйни ёқиб юборади. Шунда Адолат салбий қаҳрамонми ёки ижобий...? Уни салбий, дея баҳолай олмайсиз. Чунки исмига рамз яширинган у адолат тимсоли. Демак, зиёлининг хонадонига адолат излаб кирган ўт қўювчи қиз бу ердан қидирганини топа олмай уйни ёқиб юборади. Ёқиб юборишдан олдин эса оила аъзоларига саҳнадан туриб асл юзларига кўзгу туттади. Яъни Раҳим аканинг арвоҳи билан юзлаштиради. Ю.Ражабова қаҳрамонининг чўрт кесар, ақлли, жасур қиз сифатида гавдалантиради.

Назаримда, адолатли жамиятда “самосуд”га ўрин бўлиши мумкин эмас. Демак, Ю.Ражабованинг қаҳрамонини ҳам исми Адолат бўлиши мумкин эмас. У бутун бир жамиятдан узилган ҳолда, алоҳида бир ўзи туриб бу тарзда “адолат” ўрнитиши куракка сиғмайди. У ваколатли шахс бўлмаган ҳолда бир оилани бу тарзда пароканда қилишга ҳақли эмас. Шу ўринда ижодкорларга таклифим Ю.Ражабованинг қаҳрамонини исмини ўзгартириш керак. Токи томошабин бу қиз адолат учун курашмоқда, дея нотўғри хулосага келмасин.

Б.Абдураззоқов спектаклни драматик яқунлади ва сатирик комедияга янги талқин таклиф этди. Спектакль ўткир ижтимоий-сиёсий оҳангда долзарб муаммони илгари сурди. Режиссёр чироқ, мусиқа, саҳнага тортилган ип ва актёрлар ижроси орқали бугунги кун воқеаларини сатирик оҳангда намоиш этди.

Хулосавий фикр, Устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Баходир Йўлдошев асос солган "Дийдор" театр-студиясининг Бобур Йўлдошев раҳбарлигидаги жамоаси фаолиятида чинакам фидойилик ва театрга бўлган меҳр ва садоқатни, заҳматкашликни кўриш мумкин. Бугун "Дийдор"чилар тақдим этаётган саҳна асарлари томошабинни йиғлашга, изтиробга солишга, ўз-ўзи билан жавобсиз саволлар гирдобидида қолишга ундайдиган спектаклларни саҳналаштириш маблағга, серҳашам бинога, ортиқча безаклару, техника ва декорацияларга муҳтож эмаслигини амалда исботлаб турибди [4, Б.3].

Ҳоссатан, “Ўт қўювчилар” бу – ўз ҳаётини хавфга қўйиб, қилаётган ишларини-да ёмон эканини билгани ҳолда тан олишни ва қабул қилишни истамайдиган зиёли инсон ҳақида гротеск ҳикоя. Домла Бидерман уйига кириб олган душманларига қарши чикмайди, аксинча улар билан ёвузликни музокара қилиш мумкинлигига ишонади. Бу жуда ғалати ишонч ҳисси... энг ачинарлиси, зиёли инсон ёвуз душманлари билан дўстлашишга уринишидир... воқеанинг абсурдлиги ҳам шунда. Спектакль жиноят, ёвузлик билан мурасага келиш ва унинг оқибатлари ҳақидаги сатирик, жиддий ва аччиқ комедиядир.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Умарова Н.- Театр таскин бериш маскани эмас// Театр. -2021. - №4
2. Усмонова Н. - Эзгулик, ибрат маскани// УзА. - 2023.-27.03. - https://uza.uz/uz/posts/ezgulik-ibrat-maskani_466419
3. Ҳамроқулов А. - Инсониятга ойна тутувчи спектакль// Халқ сўзи.- 2023.-26.06.- <https://xs.uz/uzkr/94963>
4. Усмонова Н. - Эзгулик, ибрат маскани// УзА. - 2023.-27.03. - https://uza.uz/uz/posts/ezgulik-ibrat-maskani_466419

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-5

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-5

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz